

ИШОНЧ

Ушбу сонда:

2 БОЙЛАРИМИЗ БИСЁР,
САХОВАТИМИЗЧИ?

3 МУСТАҚИЛЛИКНИНГ
МУНАВВАР ҚУЁШИ

4 ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ



Сифати элга манзур

Бозор иқтисодиёти шароитида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмол бозорини яратиб ва экспорт қилиш давр талабларидан биридир. Пойтахтимизда ҳам ана шу йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қаратилган.

«Спентекс Тошкент Тўйтепа» чет эл корхонасининг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шу кунгача корхонада 3500 ишчи фаолият юритмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилган ип-калава маҳсулотлари тўлиқ экспорт қилинади.

Муҳими, ана шу корхона ёрлиги билан чиқаётган маҳсулотлар чет элликларга манзур бўлмоқда. Уч сменда меҳнат қилаётган ишчиларга етарлича шароитлар яратилган: бепул тушлик, ишга қатнаш учун автобуслар ажратилган.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.
Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

САМАРҚАНДЛИКЛАР — МАРРАДА

Мамлакатимизда давлатга пахта сотиш бўйича йиллик шартнома мажбуриятини бажарган туман ва вилоятлар сони тобора кўпайиб бораётган. Қабул пунктларига 248 минг тонна сифатли хомашё топширган Самарқанд вилояти пахтакорлари ҳам улар сафига қўшилди. Хосилнинг 90 фоиздан ортиги юқори навларга сотилди.

Эришилган галабада Пастдаргом, Нарпай, Иштихон, Каттакўрғон ва Жомбой тумани пахтакорларининг ҳиссаси катта бўлди. Бу юксак хирмонга фермер хўжалиқлари муносиб улуш қўшганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Уттиз гектар майдонда «Бухоро-102» навли гўза парваришлаб, қабул пунктига 80 тонна пахта топширдик, — дейди Нарпай туманидаги «Шодлик гулшани» фермер хўжалиғи раиси Омон Султонов. — Бу 33 миллион сўм даромад, ўн миллион сўм соф фойда дегани. Туманимиздаги 600 дан зиёд фермер хўжалигининг 220 таси биринчи теримдаёқ шартнома-мажбуриятини бажарди. Фермерга хизмат кўрсатувчи тузилмаларнинг самарали ишлагани ҳам муваффақиятларимиз омилли бўлди.

Айни вақтда вилоят пахтакорларининг бу улкан уютгада тегишли корхона ва ташкилотлар, минерал ўғит, техника таъминоти шохбачалари, молия муассасалари — бутун самарқандликларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Вилоятда пахта йғим-терими давом этмоқда.

(ЎЗА)

Президентимизнинг пахтачиликни ривожлантиришга қаратаётган эътибори, соҳада амалга оширилган ислохотлар самараси ўларок, Жиззах вилоятда ҳам пахтачиликда катта ютуқларга эришилди. Уртача ҳосилдорлик

Терим уюшқоқлик билан ташкил этилгани боис ҳосил қисқа фурсатда йғиштириб олинди. Эришилган ютуққа Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл, Арнасой туманлари фермерлари, айниқса, салмоқли улуш қўшди.

— Бу йил ҳам давлатга пахта сотиш шартнома режасини ошириб бажардик, — дейди Дўстлик туманидаги «Машъал» фермер хўжалиғи раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Омон Абдуллаев. — 118 гектар ердан би-

ЖИЗЗАХЛИКЛАРНИНГ ЮКСАК ХИРМОНИ

кўрсаткичлари йил сайин ортиб бормоқда. Экин майдонлари кенгайтирилмагани ҳолда пахта етиштириш ҳажми кескин ошди.

Бу йил 106,4 минг гектар майдонда пахта етиштирган жиззахлик миришкорлар қабул пунктларига 234 минг тоннадан зиёд қимматбахо хомашё топшириб, давлатга пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятини адо этди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиғи юз фоиз фермерлаштирилгани, қишлоқ мулкдорлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани эрга меҳр қўйган, пахтачиликда юқори самарадорликка эришаётган мустақил деҳқонларнинг сафи кенгайишга олиб келаётган. Бу йил пахта етиштирган 5 минг 668 нафар фермернинг 90 фоизга яқини шартнома мажбуриятини ортиги билан удалади.

риччи теримдаёқ 38 центнердан ҳосил йғиштириб олди. Ҳосил юқори навларга топширилди. Демак, даромадимиш бу йил ўтган йилгидан ҳам зиёда бўлади.

Далаларда ҳали ҳосил чўғи баянда. Пешона тери эвазига етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йғиштириб олиш мақсадида терим жадал сурьатда давом этмоқда.

(ЎЗА)

Ахборот

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизматнинг роли» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарни Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари Фозилжон Отахонов олиб бориб ва мустақиллик йилларида юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши борасида нутқ сўзлади.

ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ

Семинар Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш мақсади ва вазибаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари ва корхоналарида юридик хизмат тўғрисидаги низоми тасдиқлаш тўғрисида»ги Қароридан белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Адлия вазири, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва Тошкент Давлат юридик институти томонидан ташкил этилди.

Ташкилдош жоизки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Исом Каримов бошчилигида эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришининг асосий шартларидан бири сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, бу соҳада кулай ҳуқуқий кафолатлар тизимини барпо этиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун етарли ҳуқуқий замин яратилган бўлиб, шу мақсадда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларидан иборат ялпит тизим фаолият кўрсатмоқда. Бирок, бу борада зарур ҳуқуқий ва ташкилий-амалий чоралар қўрилган бўлишига қарамадан, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизматнинг иштироки бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқий юртурувчи субъектлар юридик хизматларнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаоллиги сезилма-

япти. Ушбу семинарни ўтказишдан мақсад илмий жамоатчилик ва юридик хизмат ходимларининг очик ва кен мунозараси шароитида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизмат ролини оширишнинг долзарб вазифаларини муҳокама қилиш ҳамда мавжуд муам-

молар ечими юзасидан ўзаро фикр алмашишдан иборат бўлди.

Семинарда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқий юртурувчи субъектлар юридик хизматчи ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, олий таълим муассасалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари иштирок этдилар.

Маърузачилар ҳамда музокарага қичувчилар томонидан мустақиллик йилларида юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши, адлия органлари томонидан юридик хизматга раҳбарликнинг амалга оширилиши ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда нодавлат нотижорат ташкилотлар, хусусан, Савдо-саноат палатасининг ўрни, юридик хизмат ходимларини тайёрлаш каби масалалар, шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизмат ролини ошириш муаммолари атрофида муҳокама қилинди.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ)

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига УМР МЕЗОНИ

Лавҳа

Иш кўни охирида одатдагидек Жамол Ашуров бугунги қилинган ишларни бирма-бир сарҳисоб қилишга киришди. Қайси таълим масканига боргани, қимлар билан учрашиб амалий суҳбатлар ўтказгани, қандай муаммоларга дуч келганини кўз олдидан ўтказди... Стол чеккасидаги телефоннинг беҳосдан жиринглаши касабакўм раисининг диққатини бўлди. У қўзларини қорғадан узмай, гўшакни кўтарди.

— Алло, Ашуров, яхшимсиз. Жуда муҳим иш чиқиб қолди. Хозирок ҳокимлик идорасига етиб келинг. Биргалашиб «Анджон» фермерлар уюшмасига борадиган бўлиб қолдик. Айтганча, илгорларга аталган совға-саломларни олишни унутманг.

Қўнғирок қилган туман халқ таълими бўлимининг мудири Илҳом Рўзиев эди. Ҳа, кўнун улар туман ҳокимлиги ва вилоятдан келган вакиллар билан мазкур хўжаликка хашарга чиққан туман эъиллари, ўқитувчи-мураббийлар, хизматчилар, мактабгача таълим муассасалари ходимларидан ташкил топган мадд гуруҳи аъзоларининг иши билан танишиш мақсадида йўлга тушишди. Вакиллар хашарчиларга пахта пули тарқатилаётганида етиб қолди.

Илгорларни рағбатлантиришга бағишланган тантаналар хашарчилар дилига қувонч бағишлади. Қимдир қимматбахо матолар билан рағбатлантирилса, қимгадир радио, магнитофон насиб этди. Қимларгадир фахрий ёрликлар берилди, раҳматномалар эълон қилинди. Хуллас, ўша кўнун мукофотланган хашарчи қолмади ҳисоби. Бир пиёла чай устида ўтказилган тадбир туфайли чарчоклар ёзилди, ташаббускор гуруҳ аъзоларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшилди...

Туннинг алламоҳалида уйга қайтган Жамолжон чироқни ёқар экан, бедор бўлиб йўлига кўз тикиб турган аёлга истихола билан юзланди.

— Яна куттириб қўйдими, онажониси? — Начора, аёл баъзида қутиб яшамок учун ҳам тугилганда. Акс ҳолда Вобкент деган жойни ташлаб Жондорга келин бўлиб тушмасдинг.

Жамолжон мийғида қулиб қўлди. Гўё шу биргина жавобдан унинг барча чарчоклари ёзилди кўтандек бўлди. (Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан биридир. Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ушбу мақсадда амалга оширилаётган барча ишларга, шу соҳага бевосита масъул ва дахлдор бўлган давлат ва жамоат бирлашмалари фаолиятига ана шу нуқтаи назардан баҳо бериш керак.

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтган давр мобайнида мазкур ташкилот Марказий кенгаши ва унинг жойлардаги бўлиmlари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, республикамизнинг аксарият туман ва шаҳарларида «Ёшлар ижтимоий хизмат маркази» ташкил этилгани, ёшларнинг олдида турган муаммоларни ечиш, уларнинг маданий савиясини, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган оммавий тадбирлар, турли кўрик-танлов ва учрашувларни уюштириш, ўқувчи ва талабалар ўртасида «Камолот» фаолиятини тарғиб қилиш билан боғлиқ қатор ишлар қилинганини айтиб ўтиш лозим.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига асос бўлган Дастур ва Низомининг амалда бажарилишини, мазкур ташкилот томонидан ёшларнинг ора-умидларини рўбга чиқариш, уларни жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий ва иқтисодий янгилаш жараёнида ўз жойини топишга қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолаб бўлмайди.

Ҳаракат фаолиятини ташкил этишда аксарият ҳолларда расмийлаштирилган, бюрократик ёндашув, кампаниябозликка йўл қўйилмагани, унинг ёшлар дуч келаётган амалий муаммолардан узоқлашиб қолгани, истеъдодли, табиий етакчилик қобилиятига эга бўлган йигит-қизларни «Камолот»га жалб этиш, уларга кўпроқ эркинлик ва ўз ташаббусларини намойиш қилиш учун шароит ва имконият ярати бериш билан боғлиқ камчиликлар жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ва давлат сиёсати даражасида қабул қилинган, ёшлар муаммоларини ечишга қаратилган дастур ва тадбирларни амалга оширишда, вояга етиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётида ўз муносиб ўрнини топиши, уларни, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги йигит-қизларни иш билан таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, соғлом турмуш кечириши учун имконият туғдириш, фарзандларимиз онгиде замонавий дунёқарашни қарор топтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби ўта муҳим масалаларда Ҳаракатнинг ҳиссаси, ўрни ва таъсири етарли даражада сезилмапти.

Олий ўқув юрталари, коллеж ва мактаблардаги ўқув жараёнларининг даражаси ва сифати ҳақида ижтимоий сўровлар орқали ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, мақсад ва интилишларини ўрганиш, ҳаётимиздаги ечилмаган муаммолар, мавжуд камчилик ва нуқсонларни

бартираф этиш нималарга боғлиқ экани ҳақида баҳо ва мулоқотлар ўтказиш, керакли хулоса чиқариш ва тақлифлар тайёрлаш масалалари ҳам «Камолот» эътиборидан четда қолмоқда.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг самарасини ошириш, уни биринчи навбатда ёшларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қодир бўлган таъсирчан ташкилотга айлантириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, маънавий-маърифий соҳага дахлдор бўлган вазирлик ва идоралар томонидан ёшлар масалаларини, аввалмабор уларнинг долзарб муаммоларини ечиш, жамиятдаги ўрни ва маъқеани оширишда йўл қўйилаётган совуқлик, бепарволик ва масъулиятсизлик ҳолатларини бартираф этиш, энг асосийси, ҳаётга кириб келаётган авлоднинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига суяниш ва таъиниш вазифаси мазкур давлат ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналиши деб ҳисобланган.

2. Вазирлар Маҳкамаси (Р.Қосимов) «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргалашиб бир ой муддатда ташкилотнинг Дастури ва Низомига тегишли ўзгаришлар киритиш, унинг таркибий тузилмасини янгиладан тасдиқлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат кенгашининг Ҳаракатнинг навбатдаги II қурултойини 2006 йил ноябр ойининг охирида ўтказиш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурни кун тартибининг асосий масаласи сифатида белгилаш ҳақидаги тақлифи қабул қилинсин.

4. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг навбатдаги қурултойига тайёргарлик қилиш ҳамда уни ўтказиш бўйича бошланғич ва қуйи ташкилотларнинг тақлифлари асосида тайёрланган чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ маъқуллансин ва қурултойни ўтказиш ҳамда ёритишда Ҳаракат фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, танқидий баҳо бериш, мамлакатимиз ёшлари олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Шамшиев ва Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 10 октябрь

Обуна — 2007



Азиз муштарийлар!
Мамлакатимизда фаолият юритибрган газеталарнинг ҳар бири ўз овози, ўз муҳлисига эга.

Улар орасида инсон манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон касабалари Федерацияси мустақиллигида чоп этилаётган «Ишонч» газетасининг ҳам

ўзига хос ўрни бор.

Газета жамоаси келгуси йилда ҳам Сиз азиз муштарийлар кўнглидаги гапларни айтишни, долзарб мавзуларда чиқишлар қилишни режалаштирган.

Шундай экан, сеvimли газетангизга келгуси йил учун обуна бўлишни унутманг!

МАҚСАД АНИҚ БЎЛСА, ИМКОНИЯТ ҲАМИША БОР

Иқтисодий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш кўп жихатдан ишнинг тўғри ташкил қилиниши ва жамоа фаолиятини аниқ мақсад томон йўналтиришига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Самарқанд почтаси» филиалида эришилган натижалар диққатга сазовордир. Ҳар бир ходимнинг умумжамоа равангига ҳисса қўйиши ва унинг самарасидан баҳраманд бўлиши маънавий жамоа фаолиятининг асосий асосига айланган. Бундай ҳамжихатлик иқтисодий ривожланиш ва моддий манфаатдорлик оширишга имкон бермоқда.

— Корхонада ҳар томонлама юксалишига эришиш учун энг аввало ходимлар таркиби тўлиқ қайта шакллантирилди. Иқтисодий ислохот талабларидан келиб чиқадиган вазифалар устувор қилиб қўйилди. Бошқача айтганда, ходимларнинг манфаатдорлиги иш натижаларига боғлиқлиги белгиланди. Бу эса меҳнатга муносабатни ижобий томонга ўзгартирди, — дейди Самарқанд вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Т. Раҳматов. — Жамоа шартномасига аниқ мақсадли мажбуриятлар киритилиши ва уларнинг тўлиқ бажарилиши икки томонлама манфаатдорлик келтирди. Корхонада барча курсаткилар бўйича ўсишга эришилди. Ходимлар кўпроқ ҳақ оладиган бўлди.

тақвиргон почта тармоқларида таъмирлаш ишлари бажарилиб, иш шaroитлари яхшиланди. Меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағ микдори ҳар бир ходим ҳисобига 27,1 миң сўмга етказилди. Ҳозир бутун тармоқда қайта жиҳозлаш масаласи ҳал қилинмоқда. Шу билан бирга почтачиларни махсус кийим, велосипедлар билан тўлиқ таъминлаш, айниқса, кишлоқ жойларидаги почта бўлимларига кўмир етказиб бериш чоралари қўрилмоқда.

Ходимларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга ҳам муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Барча туман алоқа-почта бўлимларида маънавият бурчаклари, хоналари ташкил этилиб, зарур адабиётлар билан таъминланган. Шунингдек, муқаддас қадамжоларга зибрат сафарлари, театр ва концертларга жамоавий ташрифлар уюштирилди.

Иш унуми ва самараси ходимларнинг саломатлиги даражаси билан белгиланади. Шу боис Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, алоқа ходимлари касба уюшма Марказий кенгаши раёсати биргаликда муҳим ташаббусни бошлади. Қабул қилинган қўшма ҳужжатга кўра тармоқдаги барча корхоналарда тўлиқ жиҳозланган спорт заллари ва майдончалари бўлиши шартлиги белгилаб қўйилди. Эндиликда ҳар йили «Энг яхши спорт шaroити яратган корхона» кўриктанлови ҳамда босқичли спорт мусобақалари мунтазам ўтказилади. Мана шуларнинг ҳаммаси тармоқ корхоналарида ходимларнинг моддий таъминланганлиги, жисмоний бакуватлиги, руҳий тетиклигига кафолат бўлмоқда.

**Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири**

Ўзбекистон мутахассислар мамлакатига айланишда

XXI асрнинг ахборот асри деб эътироф этилиши бежиз эмас. Ҳаётимизга информацион технологиялар, интернет, электрон почта, уяли алоқалар кириб келди.

Президентимизнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ва «Ахборот коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Қашқадарь вилоятида ҳам телефон тармоғини юксалтириш ва модернизациялаш, корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда aholининг алоқа хизматига бўлган талаб-эҳтиёжини қондиришга қаратилган муайян ишлар амалга оширилляпти.

ҳамма соҳаларида замонавий технологияларни жорий, этиш, улардан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг талаб-эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш учун қўлай шарт-шaroитлар яратиш ахборот коммуникация соҳасини тарақлий этиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Дунё бизга бир қадам ёки рақамли алоқадан интернет провайдерларигача

Айни пайтда уяли телефон алоқаси, интернет хизмати курсатувчи компаниялар ва фирмалар билан ҳамкорликдаги ишчи фаолият ўзи самарасини бермоқда. Германиянинг «Алкател» ва Туркиянинг «Ниташ» компанияларида тайёрланган янги станциялар йўлга қўйди. Бугунги кунда улар сафига «Perfektum Mobile», «Uzbek Mobile» қўшилиб, вилоятда 5 та уяли алоқа компанияси филиаллари ишлаб турибди. Айни пайтда уларнинг хизматидан 70 миң абонент фойдаланапти.

Вилоятнинг Шарҳисабз, Китоб, Қамати, Чирқоқи, Яққаб туманларида рақамли алоқа тизимининг йўлга қўйилиши иш самарадорлигини оширди.

Шоҳарларо ва халқаро алоқа хизмати сифати яхшиланиб, телекоммуникация тармоғи орқали маълумот узатиш тезлиги ортди. Вилоят аҳолиси мамлакатимизнинг бошқа худудлари билан тез ва сифатли боғланиш имкониятига эга бўлди.

Рамозон ойи тилаклар

Биз яқин ўтмишда коммунистик тузумда яшаб кўрдик. Унинг асосий шiorларидан бири шу эдики, ҳеч ким бойиб кетмаслиги керак, яъни ҳамма иқтисодий жиҳатдан тенг бўлиши шарт. Ҳатто ўз машинасидаги қирақашлик қилишга рўхсат беришмасди. Мабода яқин одамнингизни миндирмоқчи бўлсангиз унинг қариндошлигини — ота-она, ака-ука ёки опа-сингилларингизни тасдиқловчи ҳужжат бўлиши шарт эди. Бўлмаса ГАЙ прапангизни олиб кўрдик. Дехон эса селёсоватдан справкасиз бўлмас эди этиштирган махсусотни бозорда сотолмасди. Қадоқланган гўшт, тандин нон, қўлбола ширинлик, уйда тикилган кийим-кечак, ҳатто пайпоқ сотувчилар доим у муолижани бу муолижга қочиб юришарди. Агар қўлга тушиб қолсан, саватдаги нон тепиб юбориларди, қадоқланган гўшт ахлатга улоқтирилди, кийим-кечак олиб кетилди ва яна жарима тўлашга мажбур бўлишарди. Уша пайтда бундай махсусотлар ва буюмларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳуқуқи фақат ҳукуматга қарашли маҳаллий саноат корхоналарига ҳамда дўқонларга берилган эди.

Бойларимиз бисёр, саховатимизчи?

Бир сўз билан айтганда, уша пайтда бойлик орттиришга уринган одамга доғ тушарди. Қўшимча даромад олиш имкониятларидан фойдаланишга йўл берилмасди. Иш ҳақини белгилаш ва тақсимлашда тенглаштириш тартиби ўрнатилган эди. Бу тартиб-қоида моҳиятан серғайрат, тadbиркор, ташаббускор одамни бўғишга, ақинча, ишқамас, дангаса, укучис одамни рағбатлантиришга хизмат қиларди. Яъни, меҳнатнинг умумий натижасига қўшилган ҳисса турлича, бироқ манфаат бир хил.

Энг муҳими, биров бошқа бировдан кўпроқ даромад олиб бойиб кетмаслиги керак! Тўғриси, бойлик орттиришга интилиш сиз ҳақингизда турли гумон, таҳмин ва ивзо гаплар тугилишига сабаб бўларди. Не-не одамлар бой бўлган деб қамалиб кетишди. Шу-ҳазис бу ўринда биз таъмағирлик, порохурлик, ўғрилик, кўзбўямачилик ва бошқа қинғир йўллар билан бойларини назарда тутайтганимиз йўқ.

Мустақиллик туфайли давр ўзгарди. Шу билан бирга, одамларнинг дунёқараши ҳам, бойлик ҳақидаги тушуниши ҳам ўзгарди. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ меҳнатга ҳақ тулашдаги тенглаштириш қондасига кескин зарба берилди. Мамлакатимизда ишбилармонлик ва тadbиркорлик учун кенг имкониятлар ушғири очилди. Анкироғи, қўлингдан келган хунарингни кўрсат ва шунга яраша бойлик орттир, дейдиган замон келди. Чунки ҳақ бойиса давлат бойийди. Давлат бойиса, унинг куч-қудрати ортади. Бу — мамлакатимиз дунё билан бўйлаша олади дегани.

Ҳозир ўз шахсий автомобилнингизда қирақашлик қилиш ҳам гапми, хоҳланг бутун бир авторкорхонани сотиб олинг. Ёки уяли «мерседес-ланингизни шаҳарда қатнашиб қўйсангиз ҳам ҳеч ким индамайди. Ҳатто биров самолёт сотиб олганини эшитсангиз ҳам ҳайратланманг. Бу табиий ҳол, қайтага фахрландишимиз керак. Чунки бугун биз ҳеч қандам кам эмасмиз. Тўғриси, бойларимиз қўлайлиб бораётганидан хурсандмиз. Келажақда бизнинг миллионерларимиз ва миллиардерларимиз хорижийнинг тарақлий этган давлатлариди миллионерлар ва миллиардерларга етиб олиб, ҳатто улардан ўзиб ҳам кетишларига ишонамиз.

Бироқ, гап бойликнинг микдоридан эмас, балки бой бўлиш масъулияти ва бойликни қандай мақсадларга сарфлашда. Хорижда миллионерларни урушга, инсонларнинг қонини тўкишга, қўнгилишуликка ёки бошқа бемаза ишларга сарфлаётган бойлар йўқ дейсизми? Бизнингча, хайр-эхсон миллионерлик масъулиятининг асосий мезони бўлмоғи лoйик. Шундангина бой савобга эришади, бойлик ва ҳалоллик макомига эга бўлади. Албатта, ҳалоллик бойлик орттиришда асосий мезон бўлмоғи зарур.

**Иброҳим НОРМАТОВ,
«Туркистон-пресс»**

ИЛГОР ВАГОНСОЗЛАР

Суратлар: Бухоро-1 бекати йўл ҳўжалигининг темирчилик цехи устаси Акбар Нўрмонов ва темирчи Қобил Шодиевлар ўз устиди;

**И.ҲОЖИЕВ
олган суратлар**



(Боши 1-бетда)



(Боши 1-бетда)



(Боши 1-бетда)



(Боши 1-бетда)

Мақта таъминини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури ижросини таъминлашда қасаба уюшма ташкилотларининг ҳам хизматлари бекёйс. Бунга йирик туманлардан саналган Жондорда амалга оширилаётган ишлар бир мисол. Утган қисқа фурсатда туманда замонавий талабларга мос учта касб-хунар коллежи, иккита лицей барпо этилди. Тўртта янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бешта мактабни тўдан қайта қуриш ишлари ниҳосига етказилди. Уялиб мактабларда махсус компьютерлар билан жиҳозланган сифт хоналари ташкил этилди. Туман марказидаги 2 та ва кишлоқ мактабларининг 3 таси Интернет тармоқларига уланди.

Жамол Ашуров бошчилигидаги қасаба уюшма фаолларининг ҳамда таълим муассасалари раҳбарларининг ҳамкорлигидаги савй-харакатлари туфайли бир неча мактабда ўқувчи ва ўқитувчиларни бир марта бепул иссиқ овқат билан таъминлаш йўлга қўйилди. 5-, 10-, 31-мактабларда ичимлик сув муаммоси ҳал этилди. Фақат қасаба уюшма маблалари ҳисобидан кам таъминланган оила фарзандлари учун ҳар ўқув йилида 8 — 9 миллион сўм маблағ ажратилаётганлиги ҳам диққатга молиқдир.

Туман тармоқ қасаба уюшма ташкилотининг ташаббускорлик фаолиятини мактабимиз жамоаси қадрляпти. Ташкилот етакчиси Ж. Ашуровнинг бевосита аралашуви билан ўқитувчилар учун дам олиш хонаси ташкил этилди. Айнан у кишининг савй-харакати билан бошлангич қасаба уюшма ташкилоти учун алоҳида хона ажратилиб, зарурий воситалар билан жиҳозланди. Бугун бу ердан ўқувчи-ёшларнинг қадами узилаётди.

УМР МЕЗОНИ ЛАВҲА

ошанглиги ҳам айнан ана шу даврга тўғри келди.

— Бирор тарихий кун ёки байрамлар йўқми, қасабақум биз, на-фақадаги ходимларни йўқлаб кел-мас. Жамолжон ҳар гал остона ҳатлаб келганда ҳаёлимизда қурло-дош дўстим, дилқаш ва беозор ин-сон, талабчан раҳбар Ражабжон ўз олдимида қайта намоен бўлгандек бўлади. От ўрини той босганидек, Жамолжон ҳам отасидек одамларга манфаат келтириш учун елоб-юғурди. — Бу саксон ёшни қоралаб қолган кекса педагог Болта Эргашевнинг қалб сўзлари.

Ж. Ашуров ҳақ, адолат йўлида бир ишга киришгани, охирига ет-казмай қўймайди. Айниқса, муро-жаатларга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашади. У кўпичина муам-момоли жойида ҳал қилишга инти-либди. Йўқса, қорғозбозликка йўл очилиб, ўша ердига соғлом муҳит-га ўз таъбирини ўтказиши ҳеч қан-emas.

мон олиб бериш йўлга қўйилди. Хозирга қадар уларга 400 миң сўмлик дори-дармонлар тарқатил-ди. Шу йилнинг ўзида 14 нафар педагога ўз соғлиқларини тийлаб олиш учун йўланмалар берилди. Хомийлар ва шифокорлар йилида жамоа келишувига яна иккита қўшимча банд киритилиб, ўқувчи-лар ва соҳа ходимларини буюк кас-салидан муҳофазга қилиш мақса-дида 2,5 миллион сўмлик дори ха-рид қилинди. Ходимларга курсат-тилаётган ёрдам ижтимоий шерик-чилик асосида амалга оширилаёт-тир. Шу кўнга қадар ходимларга 83500 сўмлик моддий ёрдам, уларни соғломлаштириш, спорт ҳўжозларини сотиб олиш ва ом-мавий тadbирларни ўтказишга 2 миллион 167 миң сўм маблағ сар-фланди. Хомийлар билан ҳамкор-ликда 9 миллион 489 миң сўмлик дарслик ва бадий адабиётлар ха-рид қилиниб, мактаб кутубхонала-рига топширилди. Езги соғлом-

Усмон НАВРЎЗ

Навоий сабоқлари

03-03 ЎРГАНИБ...

Валоят аҳлига жамъи маломатиға боқ — Ки, халқ кўзидин айлар намозини яширун. Бу турфароқим, намозида муъжиби нодон Тутар имомат учун хайл қибласида ўрун.

Эл кўзидан яширин намоз ўқийди, деб валий зотларни маломат қилишади. Аслида намоз вақтида такаббур нодоннинг имомат учун жамоанинг энг олдига ўтиши таъна-дашонмга кўпроқ сазовор эмасми?

Воиз улдурки, мажлисиға холи кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай.

Воизки, дастёрсиз ўлмас суҳангузор, Анга ёроду мунга аёлгучи ҳукми бор.

Баъзи воизлар ёрдамчиси бўлмаса, нутқ ирод қилолмайди. Бундай воиз — мусиқа асбобиға, ёрдамчиси — чолғучиға ўхшайди.

Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.

Вафоға ҳаё била пайвасталиқ, андоқки, ҳаёға вафо била вобасталиқ.

Вафо билан ҳаёни қўшиш ҳаё ва вафо бирлигини ҳосил қилади.

Вали незматқа айб раво кўргувчи пирига муртад муриддур ва атосига ҳаромзода ўғил.

Вафолғ кўтур ит яхшироқим, вафосиз хуш барно йигитдин.

Викор гавҳарию ҳилм маъдани бўлакўр, Десаңки, қилғай итоат сенга гадо ила шох. Бу шева тоғда зоҳирдурурки, даврондин Қачонки тафриқа етти, улуска бўлди паноҳ.

Каттаю кичик ҳурматингни жойига қўйишини истасанг, вазимлиқ гавҳарию мулоимлиқ кони бўл. Бу тоғда намобн: қачонки, бирор кўнгилсиз ҳодиса юз берса, халққа паноҳ бўлади.

Яратиш-Яратгандан мерос бизга. Худо ҳам одамзодни севиб «Фалакларни яратмасдим сен бўлма-сайдинг» деган экан. Агар одамзодни шунчалик севаганида еру-кўкни, чексиз фалакларни тинимсиз янгилаб, бизга шароит яратиб бермаган бўлар эди. Биз ҳам кимидир, ниманидир яхши кўрсак, ўшандагина юрагимизда яратиш қуввати пайдо бўлади.

Ватан мадҳи. Ватанинг ёруғ тонглари, азиз тупроғини, тандирга қуёш кўнган паллаларини севамадан туриб бир сатр ҳам ёзиб бўлмайди.

Ёруғ тонглар сирга таққан наҳорларда, Саҳий кўш ҳовулаған оҳорларда, Бу дийринг муқаддас пок бўйларни бор Момоларим таққан асл туморларда. Дунёға зеб берган садарайқон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг.

Не баётдир жонбахш қўшиқ аллаларинг, Тандирингта қуёш кўнган паллаларинг, Кўзумчоқдир жаннатий тўрт фаслинг аро, Кўзларига хайрат тўлган болаларинг. Хар кимгаим насиб етмас бўстон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг, Ўзбекистон ўзинг.

Жиззахлик шоира Сайёра Тўйчиева оддийгина қалам қораламайди, бор меҳри билан яратади. Юракдан чиққан нарса албатта юракка етиб боради. Шунинг учун ҳам бугун Сайёранинг ўзини танимаганлар унинг шўёрларини, қўшиқларини таниди. Сайёранинг шўёрларини ўттиздан ортиқ санъаткорлар қўшиқ қилиб куйламоқда. Хар куни бу қўшиқларни радио ва телевидение орқали тинглаймиз ва ором оламиз. Айниқса, Ватанимизнинг кутлуг айёмларида элимизни мадҳ этувчи қўшиқлари айёмга кўрк бағишлайди.

Гулга гул қўшилса, санъат бўлади, Тилга дил қўшилса, миллат бўлади, Элга эл қўшилса, давлат бўлади,

Давлатингдан айланай ўзининг элими!

Пахтаданг бегубор сенинг юрагинг, Кетмонлар соғинар чайир билагинг, Худоб эр кўрмасин ботир курагинг, Савлатингдан айланай ўзининг элими!

Эл дарди, юрт дарди ҳамиша унинг ижодида муҳим ўрин тутди. Бу борада Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Каҳрамони Абдулла Ориповнинг фикрлари билан қизиқиб кўрдик: — Сайёра Тўйчиева, айниқса, кейинги йилларда тенгдошлари сафида яққод кўзга ташланиб келатган истеъдодли кўзларимиздан

меҳрини байларга тизадими, фахриялар ёздаими, инсоний армонларини тўкиб соладими — барибир у қаршингизда Сайёра бўлиб очик, дилкаш чехра билан қўлиб тураверди. Булар ўзини шоир санаган одам учун жуда катта хислатлардир.

Тўғри, Сайёра Тўйчиева жамоат ишлари билан неча йиллардан буён машғул. Унинг ушбу соҳадаги фаолиятини ҳам, албатта, ибратли ва фойдали деб ҳисоблайман, бироқ ҳаёт тажрибаси, турмушдан олинган турли-туман таассуротлар, илм йўлида орттирилган хулосалар бадиатга айланиб, қоғозга туша нур устига нур бўлғай, ундан қан-

ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ


биридир. Сайёранинг ижодидаги фазилатлари қай йўсинда намоён бўлаётди? Бунинг биринчи белгиси, шубҳасиз, Сайёра шўёрларининг гоёт ўзига ҳослиғидир. Сир эмас, адабиётимиз майдонида ғайрат кўрсатиб, ижод қилаётган кўпгина ёшларимизга мана шу жиҳат, яъни илмий ибора билан айтганда, оригиналлик етишмайроқ туради. Сайёранинг шўёрларини эса айнан бир мавзуда ёзилган ўнлаб, балки юзлаб шўёрлар орасидан ҳеч бир адашмасдан таниб ола бўлади. Қизимизнинг ижодида самимийлик, айтиш мумкинки, барқ уриб туради. У табарруқ Ўзбекистонимизни қуйлайдими, она юрти Жиззахни ваф қилдими ёки жажжи фарзандига бўлган туганмас оналик

чадан-қанча мухлислар баҳраманд бўлиб, адабиётимиз ҳам бойгай! — Ҳа, Абдулла ака айтгандай Сайёра жамоат ишлари билан ҳам машғул. У кўп йиллардан буён нозиккина елкасига оғир юкларни жойлаган. У Жиззах вилоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини. Эҳтимол, шунинг учун атрофидаги одамлар дарди унга яқинроқдир. Кимларнингдир муаммоларини ечиб, кимларнингдир юрағига малҳам бўлиб яшайди. Сайёра билан қисқагина савол-жавоб қилганимизда ёниб ва яратиш аяшаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Шоира сифатида хотин-қизларнинг қандай хислатларини ёқлайсиз?

БУ БЎСТОН САҲНИДА...

Куз манзаралари



Ним табассум

ГУВОҲ

Икки киши қозининг олдига келибди. — Мана бу мендан олган қарзини бермапоти. — Гувохинг борми? — сўрабди қози. — Худо шоҳид. Афанда турган экан, даъвогарга ўшқирибди: — Эй, бандай мўмин, қози тан оладиган гувохни келтирсанг бўлмайдими?

ЎҒРИ

Бир бойнинг ҳовлисига ўғри тушибди. Бой таёқни олиб, савалайман деса, у илгарироқ таёқни олиб, «Нега менга ҳорманг демайсан?» деб боини савалай кетибди. Одамлар ёрдамга келишибди. Уни қозига олиб боришибди. — Сен нима фойдали иш қилаётган эдинг-ки, «Ҳорманг демайсан» деб айтдинг? — Бой учун зарарлидир, аммо мен учун фойдали-да. Найранги ўтмай, ўғрини осилибди. Қиссадан ҳисса: ярамас одамлар хар қанча ўзини оқлашга уринишмасин, у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам жазо топқусидир.

ПОРАХЎР ҚОЗИ

Икки киши қозига келибди. Жабранувчи қозига бир гўлча мой келтирибди, айбланувчи қозигана ҳовлисига бир кўчқор келтириб боғлаб қўйибди. Икки томонни эшитиб, қози айбланувчини оқлади. Жабранувчининг аччиғи чиқиб, қозининг уйига борибди. — Виждон борми сенда? Бир гўлча ёғ берсан ҳам уни оқлаб юбординг. — Нима қлай? — дебди қози. — Унинг қўқори сенинг гўлчангни бир шохлаб, чил-чил синдириб юборди.

Корли ўрмонда бир одам тўрвасида ҳозиргина отган қуёни орқалаб, ўз-ўзига гапириб келарди: — Киш ҳам жонга тегди. Совуқ жондан ўтиб кетяпти. Шу қалтирашда ҳамма тишларим тўкилиб кетмаса гўрайди. Барибир баҳор яхши-да, ҳаво илиқ, ҳам ёқимли. Ҳамма ёқда гуллар хиди, оҳ-оҳ, қандай мазза! Шундай деб бораётган эди, кутилмаганда унинг олдига қарға пайдо бўлди ва унга ялана кетди: — Эй инсон, менга ёрдам бер. Қанотларимга ўқ теккан, латта билан боғлаб қўй, — деди қарға. Одам эса хайратдан тахтадай қотиб турарди. Ахир умрида илк бор гапирадиган қаргани кўраётган эди-да. Унинг бир жойда анграйиб қотиб турганини кўрган қарганинг эса жаҳли чиқди. — Қаргани ҳеч кўрмаганми-сан? Ёрдамингни ерда қолдирмайман. Тила, тилагингни бажараман, — деди. Одамзот совуқ ва ҳаяжондан титраганча қийимидан чамалаб озгина латтини йиртиб олди ва у билан гапирок қўшининг қанотини боғлаб қўйди. — Жуда соз! Энди битта тилагингни айт! — деди жонивор хурсанд бўлиб. Одам ўйланиб осмонга қараган эдики, юзига гуллар қор урилди. Шунда унинг жаҳли чиқди: «Лаънати киш ҳам тамом бўлмади-да. Баҳор қачон келаркан?» деб юборди.

ҲАЁТ ВА ҲАЁЛ

Ҳикоя

қароқларини укалади. Бу рўё эмаслигига, ростдан ҳам юз бераётганига ишонини-ишонмаслигини ҳам билмай, олдига ўсиб турган майса устида эмаклай бошлади. Майсаларни гижимлаб кўрди. Барисой рост эканига амин бўлган, севинганча ҳайқириб юборди. Дарҳол эғнидаги пўстинини ечиб ташлади-да майсини, тоза хаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Шодлиги ичига сиймагачи ерчага чопқиллаб бори-да, бирдан ўзини кўм-кўк майсалар устига олди. Гиламдек юмшоқ ўт устида бироз чўзилганча дам олди. Сўнг секин ўрнидан туриб, атрофни диққат билан томоша қилди. Оҳ, ҳозир ундан бу манзарани тасвирлашни сўраганида, у таърифлашга сўз тополмай қоларди. Анвойи муаттар ислар анқиб турган майсазор, ранг-баранг гуллар ажойиб манзара ясаб турарди. Кийгос гуллаган дарахлар эса кишида ажабтовур хислар уйғотар эди. Одам аста-секин борлиқни тинглай бошлади. Ариларнинг гўнғиллаши, чигирткаларнинг

хужум уоштирарди. У ёққа, бу ёққа ағанаёвериби, ётиш жонига тегиб кетди. Чивилларга қарши уруш эълон қилди. Уларни ҳайдаб солмоқчи бўлди. Бироқ бундан бирор фойда чиқмагач, алмадан ёрни тепиб, оёғини ҳам оғритди. Шўрлик энди кўзим илдинда дегунча унга бирор нарса халақит қиларди. Оқибатда тунни бедор ўтказди. Тонгга яқин уйку элланган ҳам эдики, яна қўшар менжир-вижир авж олиб кетди. Булбулларнинг хуш наво-

ва корни оч ҳолда узоқ йўл босди. Ва ниҳоят тоғни топди. Нарсаларини қолдирган ҳарсангга назар солса, бахтга қарши пўстини ҳам, тўрваю милтиғи ҳам йўқ. Яна ўша мўъжизакор горнинг ичига кириб, умидларни бир пул бўлди. Негаки, уни бир сирли «қошона» аввалги ҳолига қайтара олмади. Одам умидсизликка тушиб, йиғлаб юборди. — Лаънати қарға, сендан ким баҳорни сўраганиди... Ахир мен уйга қайтишим керак, — деди ўпкаси тўлиб. Буни қарангки, қарға шу ердан ўтиб бораётган экан. Унинг носини эшитиб қолиб, дарҳол олдига учиб келди. — Ахир ўзинг истаётган эдинг-ку, майли, лекин сени бир шарт билан у томонга ўтказаман. Энди ҳеч қачон жониворларга, қушларга ўқ отмасликка ваъда берсанг, тилагингни бажо келтирсан, — деди қарға. — Фақат шуми? — сўради одам. — Ҳа, фақат шу, — жавоб қайтарди қарға. — Майли, розиман! Шу вақт гор ичидан тош сурилиб, йўл очилди. Одам қўлидан ҳарсанг устида қолдирган кўч-кўронини қучоқлаб, уйи томон югуриб кетди. Оппоқ қор устига думалаб, роса ўйнади. Сўнг қоронгу тушмасдан уйига етиш мақсадида милтигини ёлқасига ташладию, ўзи билан ўзи сўзлашиб кетди: — Киш совуқ. Баҳор ёқимли, қор йўқлигини айтмайсанми?! Менимча, ёз яхши, иссиқгина, оч қолсанг дарахдан ризкингни узиб еверсан...

У шу кўйи мингирлаганча гойиб бўлди. Санжар ОЛИМОВ, Хоразм вилояти Богот туманидаги Кулонқорабоғ кишлоғи

Қатрлар ОНАМДАН ГУЛНИНГ ИСИ КЕЛАДИ

Менинг онамдан ҳалигача сутнинг иси келади... Баъзида гулнинг ҳам иси келади.

Гоҳида онамдан таралаётган гулнинг исидан гулларнинг ўзи-да қиёс олади. Аслида Она дегани — сут ва гул... ёки гул ва сут. Она сутни ўзи ҳаёт дегани. Энг чиройли гул — онамнинг ўзи!

Онажоним ҳам ўз онасини «чаккасига доим гул тақар эди», — дея эсларлар. Эслаганлари сайин нур таратувчи чехралари бирам маҳзун... Менинг онам ўз онасининг дийдорига тўймаганимикан?! Оналар дийдорига ҳеч тўйиб бўлармикан?! Онаминг қушли чехрасида хар доим нур бор. Исик бир нур...

Исик бир нур — меҳрларни кўплагидандур. Гоҳида қўларини юзига боссалар — қафтлари тафти шундай кайноқи — меҳрини ҳам ушлаб кўрса бўлади — у — онанинг ўз фарзанди юзини сийлаган қўли... Ва ҳатто соғинчини ҳам ушлаб кўрса бўлади: у — онанинг ўз фарзандини соғиниб тўқан кўз ёши. Онажон! Останангизга бошимни қўйиб, Оллоҳдан сўрайман — ёлбориб сўрайман: Мен учун уламасдан отган тонглари умрингизга кун қилиб қўйсин! Умрингизнинг кунни кўп бўлсин!

СОҒИНЧ

Мен сизни соғинсам, яшашни соғинган бўламан. Сиз ва яшамоқнинг ўртасида боғлиқлик ҳам бор. Сизни деб мен ёстиққа бош қўйилмай қолдим. Худога шукр! Мен касалдан бутунлай турдим. Энди ёстиқ мени кўришга интизор, мен ёстиқни кўришдан бевор. Етар қанча туналарининг ўтгани бедор... Ё алҳазар, мен сизни деб ўрнимдан турдим. Кеткизгани қўмадингиз сиз мени...

Агар ўтганимда ҳам руҳим ва қадрим сизда қолиб кетган бўларди... Мен сизни деб қайта тирилдим! Бир сизни деб яна яшадим!

Ҳафиза ҚҶЧҚОРОВА

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Жўрақўжаева Нажиба Абдунабиевна номига берилган 04-ТУ 265 рақамли гувоҳнома йўқолганиги сабабли бекор қилинади.

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

БОШ МУҲАРРИР

Абдуҳалиқ АБДУРАЗОҚОВ

Тахрир хайъати:

- Алла Долаженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир Фрибосари), Маъмура Адилова, Мирзоид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулто Нафасова, Ўйирмқул Қодиров, Соғинадиқ Иветуллоев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ғабубов, Ғулмуҳаммад Юсупов

Бизга кўнгирик қилинг:

Котибият

153-52-78

Бўлимлар

Касаба уюшмалари хайъти бўлими: 153-87-63

Ижтимоий-иқтисодий сисъат бўлими: 153-87-74

Хуқуқ ва халқаро хайъти бўлими: 153-87-73

Миллий-маънавий кадрятлар ва спорт бўлими: 153-82-79

Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43

Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 E-mail: ishonch_doverge4@mail.ru

Газета ҳафтанинг

сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи муҳаррир - Д.Мадиев Навбатчи - Р.Сўяров Мусаххих - Д.Комолов

Саҳифаловчи-дизайнер: А.Абдуллаев ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бачини А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширишда -

Буюртма Ғ — 1215

Тиражи: 7553